

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

“СУД ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР”
КАФЕДРАСИ

“Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш”
ф а н и д а н

РЕФЕРАТ

Мавзу: *Биринчи инстанция судларида ишни ташкил этиш.*

Бажарди: 5A380111 йўналиши 1-курс
магистранти М.Рўзимов

Қабул қилди: доц. О.М.Мадалиев

Тошкент - 2011

МАВЗУ: Биринчи инстанция судларида ишни ташкил этиш

КИРИШ

- 1. ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИНГ СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИГИ**
- 2. ЖИНОЯТ ИШИНИ СУДДА КЎРИШ УЧУН ТАЙИНЛАШ**
- 3. СУД МАЖЛИСИНИНГ ТАЙЁРЛОВ ҚИСМИ ВА СУД ТЕРГОВИ**
- 4. ҲУКМ ЧИҚАРИШ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

Х У Л О С А

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

К И Р И Ш

Мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан сўнг барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Зеро, мустақиллик республикаимизда яшаётган халқларнинг ўз тақдирини, ривожланиш йўлини белгилаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқролик жамиятини шакллантириш имкониятларини берди. Республикаимизда “Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатоғон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора тадбирлар амалга оширилди.

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса ўз навбатида суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берганини алоҳида таъкидлаш лозим”¹.

Суд соҳасида олиб борилаётган ислохотлар инсоннинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини самарали муҳофаза этилишини, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашни, суд тизимининг қонунчилик асосларини ҳуқуқий демократик давлат талабларига мослаштиришни, суд органлари самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва тизимни такомиллаштиришни, шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда.

Суд соҳасидаги мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотларнинг мақсади – инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишдан иборат.

Бугунги мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш, суд ислохотларини амалга ошириш ва қонунчиликни либераллаштириш шароитида судлар фаолиятини, шу жумладан, биринчи босқич судларининг ишини ташкил этишни такомиллаштириш янада муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда судларнинг мустақиллигини таъминлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш бу борада қабул қилинган қатор қонун ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-2682-сонли Фармони, 2001 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. -16 б.

Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори суд тизимини янада ислоҳ қилиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Айрим ҳолларда иш жараёни қатнашчиларининг қонун томонидан кафолатланган ҳуқуқлари, тортишув принципи бузилиш ҳоллари учраб турибди. Суд жараёнининг тайёрлаш босқичида судланувчининг шахсига оид маълумотлар, иш юзасидан иш юритишни мустасно қилувчи ҳолатлар ҳамма вақт ҳам лозим даражада текширилмайди.

Иш жараёни қатнашчиларининг илтимосларини қаноатлантиришни асослантирилмаган ҳолда рад қилиш ҳоллари учрамоқда. Илтимосларни кўриб чиқиш тартибининг ўзи ҳам бузилмоқда. Айрим ҳолларда суд мажлиси баённомалари қўйилган талабларга мос келмайди².

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, бугунги кунда мамлакатимизда судларнинг фаолиятини, шу жумладан жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судлари ишини ташкил этишни такомиллаштириш муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади ва “Биринчи инстанция судлари ишини ташкил этиш” мавзусидаги ўрганилаётган иш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

²Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги 12-сонли қарори, 2002 йил 14 июндаги 10-сон ва 2004 йил 24 сентябрдаги 15-сон қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан.

1. Жиноят ишларининг судловга тегишлилиги

Жиноят ишларининг судловга тегишлилиги деганда жиноят процессуал қонуни билан жиноят ишини у ёки бу судда мазмунан кўришни белгиловчи юридик хусусият тушунилади ва унга кўра жиноят иши қайси судга тегишли эканлиги ва ягона суд тизими ичида судлар ўртасидаги ваколатлар белгиланади.

Судларга тегишлилик икки хил маънода тушунилади. Биринчидан, айрим жиноят ишларининг кўрилиши ва ҳал қилиниши суд органларига таъаллуқли бўлишлигини англатади. Иккинчидан, судловга тегишлилик ягона суд тизимида кирадиган умумий юрисдикция судларининг қайси бири муайян жиноят ишини кўриш ва ҳал қилишга ҳуқуқли бўлишини билдиради.

Бир сўз билан айтганда, судловга тегишлилик деб, суд органларига тегишли бўлган жиноят ишларининг мазмунига кўра, суд инстанциялари ўртасида тақсимланишига, шунингдек, ҳудудий ва шахсга кўра мазкур жиноят ишининг айнан қайси судга тааллуқли бўлишига айтилади.

Судловга тегишлилик ҳақида сўз юритилганда, суд инстанцияси ваколатларига кирадиган жиноят ишларининг қонуний, асосли ва адолатли ҳамда мазмунан аниқ кўрилиши биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бундай фикрга келинишига жиноят процессуал қонунида кўрсатилган судловга тегишлилик юридик атамасининг ишлатилиши, яъни “туман(шаҳар) судлари судловига, вилоят судлари судловига ва Олий суд судловига тегишли жиноят ишларининг белгиланиши” асос ҳисобланади, демак, судловга тегишлилик жиноятнинг характерига кўра малакланиши билан белгинади, деган хулосага келиш мумкин.

Судловга тегишлилик фақат жиноятнинг характерига кўрагина белгиланиб қолмасдан, балки, жиноят содир этган субъект билан ҳам белгиланади. Бунга мисол қилиб, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган жиноятлар тўғрисидаги ишлар фақат ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлади. Судловга тегишлиликнинг жиноят процессуал қонун томонидан белгиланиши ҳар бир суд тизимида тегишли бўлган ишларнинг аниқ бўлишига ёрдам беради ва судлар ўртасида ишларни кўришда сансалорликка йўл қўйилмаслиги ҳамда юқори судларга тегишли ишларнинг қуйи судлар томонидан кўрилмаслигини таъминлайди.

Бу ўринда иккита ҳолатни таъкидлаш жоиз, биринчидан, юқори судлар судловига тегишли ишлар қуйи судлар томонидан кўрилмаслиги лозим, акс ҳолда жиноят процессуал қонун нормаси бузилади, иккинчидан, юқори судлар томонидан қуйи судларнинг судловига тегишли бўлган барча жиноят ишлари кўрилиши мумкин. Чунки, юқори судларнинг судловига тегишли бўлган жиноят ишлари ўзининг алоҳида ижтимоий аҳамияти ёки ўта муҳимлиги билан ажралиб туради.

Юқори судларга ёки ҳарбий судларга тегишли бўлган жиноят ишларидан ташқари барча жиноят ишлари туман (шаҳар) судлари судловига тегишлидир³.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009.-610 б.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, аниқроқ айтадиган бўлсак, 90 фоиз жиноят ишларини кўради.

Суд таркибига кўра судловга тегишлилик борасида гапирилганда жиноят ишлари якка тартибдаги ва ҳайъат судловиги тегишлидир. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган ишлар якка судья тартибдаги судловга тегишли ҳисобланади. Биринчи инстанция суди томонидан кўриладиган мураккаб жиноят ишлари судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси судловига тегишли бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўриладиган жиноят ишлари уч нафар судья судловига тегишли бўлади.

Агар жиноят иши ҳайъат судловига тегишли бўлиб, у якка судья томонидан кўрилса, бу қонун хилоф. Ушбу ҳолатнинг акси бўлса, яъни якка судья судловига тегишли жиноят ишлари ҳайъат судловига ўтиб кўриладиган бўлса, бу ҳолат қонун бузиш, деб ҳисобланмайди.

Судловга тегишлилик масаласини оддий ҳолат деб бўлмайди. Балки, судловга тегишлилик процессуал катта аҳамиятга эга. Суд процессуал қонунчилик талабига биноан, жиноят ишлари қаерда кўрилишидан қатъи назар судловликка кўра ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона кўрилишини таъминлайди.

Судларга тегишлилик, яъни, жиноят ишининг қайси судга тегишли бўлишлигини белгилашда мазмунан кўрилиб, ҳал қилинадиган жиноят ишининг турига боғлиқ бўлади. Буларга турдош ёки предметли, шахсига кўра, ҳуқуқий ва мустасно тегишлилик киради.

Турдош ёки предметли судловга тегишлилик деганда ишнинг тури ёки предметли судловга тегишлилик ҳар хил турдаги судларга жиноят ишларининг тегишлилиги тушунилади. Бу судловга тегишлиликни белгилашда жиноий иш тури, жиноятнинг предмети нимадан иборат бўлиши ва жиноят субъектлари кимлар бўлишига ҳам қаралади. Турдош судловга тегишлилик бўйича ягона суд тизимидаги ҳар турли судлар ўртасидаги ваколатга ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судларига тегишли ишлар ўз мазмунига кўра бир хил бўлиб, жиноят процессуал қонуни билан алоҳида белгиланади, шунга асосан Жиноят-процессуал кодекси 389-моддасининг 2-қисмида уларнинг судловига тегишли жиноят ишлари аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг судловига Ўзбекистон Республикаси жиноят ккодексининг 97-моддаси иккинчи қисми, 118 – моддасининг тўртинчи қисми, 150, 153, 155, 157, 158-моддалари, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 160, 161-моддалари, 210-моддасининг учинчи қисми, 230, 231, 242, 24-моддалари, 273-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар тегилидир.

ЖПКнинг ушбу моддасида кўрсатилган жиноят ишлари вилоятлар ва унга тенглаштирилган судлар ўзларига тегишли бўлган жиноят ишларини фақат ўзлари кўришлиги лозимлигини ва шу мазмундаги ишларни қуйи туман судларига ўтказмаслигини белгилайди. Аммо, Ушбу модданинг 5-банди талабига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси,

жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишларни, агар улар мазмунан мураккаб бўлмаса, тегишли жиноят ишлари бўйича туман(шаҳар) судига юборадилар.

ЖПКнинг 390-моддаси талабига биноан юқори турувчи судлар ўзларининг судловига тегишли жиноят ишларидан ташқари, қуйи суд судловига тегишли ҳар қандай жиноят ишини биринчи инстанция суди тариқасида ўзи кўриш учун олишга ҳақлидир. Лекин, қуйи суд юқори суд ваколатига тегишли бўлган жиноят ишини уларнинг рухсатисиз мазмунан кўришга ҳақли эмас. Агарда, суд мажлиси давомида жиноят иши юқори суднинг судловига ёки ҳарбий суднинг судловига тегишли эканлиги аниқланса, судловга тегишлилиги бўйича юборилиши шарт, акс ҳолда чиқарилган ҳукм бекор қилинади⁴ Ушбу модданинг

Шахсига кўра судловга тегишлилик ҳақида гапирилганда, бу- ҳарбийларга тегишли бўлиб, уларнинг жиноят ишлари махсус ҳарбий судлар судловига киради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳарбий судларнинг судловига тегишли ишлар предметли белгиси бўйича ажратилмайди, балки, шахсий белгиси бўйича ажратилади. Бу тоифадаги мураккаб бўлган жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъатининг судловига тегишли бўлади. Бу тоифадаги жиноят ишларининг тегишлилигининг ҳудудий белгиси чекланган ҳолда амал қилади ва судловга тегишлиликнинг муайян ҳарбий қисм, гарнизон, кўшилмаларга тааллуқлилиги билан аниқланади.

Жиноят ишларининг ҳудудий жиҳатдан судловга тегишлилиги дейилганда, уларнинг муайян ҳудудда кўрилиши назарда тутилади, яъни жиноятнинг қаерда содир бўлганлигига қараб белгиланади. Масалан, жиноят иши қайси ҳудудда содир этилган бўлса, шу ҳудудда фаолият юритаётган суднинг судловига тегишли бўлади. Бизнингча, бундай тегишлиликнинг аҳамияти - кўпчилик гувоҳлар ва жабрланганларни суд мажлисига чақиришни осонлаштиради ва бу уларнинг суд муҳокамасида иштирок этишга ҳамда тегишли далилларни таъминлашга ёрдам беради. Ҳудудига кўра судловга тегишлиликни белгиловчи қуйидаги хусусиятларни келтириш мумкин:

- жиноятнинг айнан шу ҳудудда содир этилганлиги;
- жиноятнинг қаерда содир этилганлигини аниқлаш имконияти бўлмаса, шу ҳудуддаги тергов органлари томонидан томонланганлиги;
- узоққа чўзилган ёки давомли содир этилган жиноят ишлари бўйича қайси ҳудудда тамоланган ёки тўхтатилган жиноят иши қайта тикланган бўлса, ўша ҳудуднинг суди томонидан жиноят иши мазмунан кўриб ҳал қилинади⁵.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009.-610-611 б.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. - 611 б.

Судьяларнинг тайинлаб қўйилган жойда ишни кўриб ҳал қилишлари одил судлов фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутади ва суднинг тарбиявий аҳамиятини кучайтиради.

Мустасно судловга тегишлилик ҳақида гапирилганда, баъзи жиноят ишларининг турларига нисбатан уларнинг хусусиятларини эътиборга олиб, фақат муайян судга тегишли бўлишининг белгиланиши тушунилади. Бу ўринда аввало шуни таъкидлаш жоизки, қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий судига қандай жиноят ишлари тегишли бўлиши кўрсатилмаган, фақат Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан жиноят ишларининг жамоат учун аҳамиятли бўлиши ва ўта мураккаб ишларни малакали текшириш талаб талаб қилиш лозимлиги кўрсатилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўта мураккаб ёки муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ишларни (турдош ёки предметли, шахсий, ҳудудий) тегишлигига қарамасдан ўзи кўриш учун чақиртириб олиши мумкин.

Бу турдаги судловга тегишли ишлар икки манбадан олинади:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан юборилган ишлар;

- қуйи судлардан чақирилиб олинган ишлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан юборилган жиноят ишини ўзи кўриб ҳал қилиши мажбурий эмас, балки, бундай ишларни лозим топганда ўзи кўрмасдан тегишли бўлишига қараб бошқа ўзидан қуйи судларга ҳам юбориши мумкин.

Фикримизча, қонунда кўрсатилган жиноят ишининг судловга тегишлилигига амал қилинган тақдирда жиноятларнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, чуқур кўриб чиқишга, ҳукмнинг қонуний, асосли, адолатли бўлишига, суднинг эса аҳамиятининг ошишга олиб келади.

Жиноят ишлари бирлаштирилганда уларнинг судловга тегишлилиги масаласи қуйидагича ҳал қилинади. Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар турли даражадаги судларга тегишли жиноятларни содир қилишда айбланган бўлса, барча жиноятлар тўғрисидаги иш шу судларга нисбатан юқори бўлган суд томонидан кўрилади. Масалан, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш(ЖК 97-модда), жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда номусга тегиш (ЖК 118-модда 4-қисми). Ушбу ҳолатда турдош ёки мазмунига кўра(предметли) судловга тегишлилик амалда бўлади ва бунга туман(шаҳар) суди эмас, балки юқори судлар, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар ва вилоят судлари судловига тегишли бўлади.

Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятларни содир қилишда айбланса, агар бундай ишларнинг лаоқал биттаси ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлса, барча жиноятлар ҳақидаги ва барча шахсларга доир иш ҳарбий суд томонидан кўрилади. Бир гуруҳ шахсларнинг наинки биттаси ҳарбий суднинг судловига тегишли жиноятни содир этган бўлса, унга қўшилиб барча

жиноят ишлари ҳарбий суд томонидан биринчи инстанция тариқасида кўриб, ҳал қилинади.

Бир неча шахс турли ҳудудларда жиноят содир этганликда ёки бир шахс бир неча жиноятларни турли ҳудудларда содир этилганликда айблансалар, агар бу жиноятлар бир хил даражадаги судларга ёки бир неча суднинг судловига тегишли бўлса, жиноят иши қайси ҳудуддаги тергов органи томонидан тамомланган бўлса, ўша ҳудуд суди томонидан мазмунан кўриб ҳал этилиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Жиноят ишининг судловга тегишлилигига кўра ўтказилиши судларда ишни ташкил этишнинг ўзига хос ажралмас қисми ҳисобланади.

Жиноят ишининг қайси судга тегишлилиги масаласи **бир неча босқичларни босиб ўтади**, биринчи маротаба, дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг, ишни прокурор орқали судга юбориш вақтида келиб чиқади. Сўнгра, бу масала жиноят иши келиб тушган суд томонидан текширилади.

Жиноят ишининг қайси судга тегишлилиги судда жиноят процесси иштирокчиларининг хоҳиши ёки бўлмаса судьяларни истаги билан эмас, балки, қонунда кўрсатилган асосда ва тартибда ҳал қилинади.

Жиноят ишини бир суддан тўғридан-тўғри шундай даражадаги судга ўтказишга йўл қўйилмайди.

Шу билан бига суд юборилган жиноят ишининг ўзига тегишли эканлигини текшириши лозим. Баъзи вақтларда жиноят ишини тўла, ҳар томонлама, ҳолисона ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш мақсадида жиноят иши бир суддан иккинчи судга ўтказилиши мумкин. Лекин жиноят ишини бошқа судга ўтказишнинг маълум шартлари ЖПК 393-моддасида белгилаб қўйилган.

Жиноят иши судья томонидан бу судга тегишли эмас, балки, бошқа судга тегишлилиги аниқланиб қолса, уни ўша тегишли судга юборади. Бу ишни ташкил этиш, суднинг ажрими ёки юқори суд раисининг қарори билан процессуал расмийлаштирилади.

Муайян бир туман (шаҳар) судидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкен шаҳри ҳудудидаги жиноят ишлари бўйича бошқа судларга ўтказиш тўғрисидаги судьянинг ажрими ёки прокурорнинг тақдимномаси мавжуд бўлган жиноят ишлари тегишли тегишли тартибда юқори суд инстанциясининг раисига юборилади. Бу иш юзасидан юқори суднинг раиси ўз қарори билан муайян ҳудуд судининг судловига тегишлилигини белгилайди ва бу борадаги қарор қатъий бўлиб, мунозара қилишга йўл қўйилмайди.

Суд судловга тегишлилигига риоя қилиб, қабул қилиб олган иш, гарчи кейин бошқа шу даражадаги суднинг судловига тегишли эканлиги суд мажлисида маълум бўлиб қолган ҳолатларда суд ишни кўришни давом эттиради ва буиш бўйича ҳукм чиқаришга ҳақлидир. Шу ўринда жиноят процессуал қонунида белгиланган меъёрий-ҳуқуқий мезон амалда бўлишлигини алоҳида қайд этиш ўринли бўлади, яъни суд мажлиси вақтида юқорида кўрсатилган ҳолат юзага келганда, ишнинг ҳолатларини тўла текширишга зарар етказилмаслик инобатга олиниши керак. Мазкур судда ишни кўриш унинг

ҳолатларининг тўла текширилишини таъминламаса, суд тегишлилигига кўра ишни бошқа суднинг судловига юбориш ҳақида ажрим чиқаради.

Суд мажлиси давомида жиноят иши юқори турувчи суднинг ёки ҳарбий суднинг судловига тегишли эканлиги таниқланса, суд жиноят ишини тегишлилигига кўра юборади. Ушбу процессуал талаб ҳар қандай ҳолатда бажарилиши шарт.

Ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган жиноят ишларни тегишлилигига кўра ўтказишнинг ўзига хос хусусиятга эгалигини кўрамиз. Муайян ҳарбий суддан бошқа ҳудуддаги (ҳарбий қисм, гарнизон) ҳарбий судга ўтказиш юқори турувчи ҳарбий суднинг раиси томонидан ҳал қилинади. Юқори инстанция ҳарбий суди раисининг қарорига кўра, қуйи ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлган жиноят ишлари юқори суднинг судловига ўтказилиши мумкин. Шунингдек, бошқа ҳудди шундай ҳарбий судга жиноят ишини ўтказиш ҳуқуқга ҳам эга

Жиноят ишини бир суддан бошқасига ЖПКнинг 392 ва 93-моддаларига кўра ўрнатилган тартибни бузиб жўнатилган бўлса, суд раиси юқори суд раисига жиноят ишини судловга тегишлилигига биноан ўтказиш тўғрисидаги судьянинг ажримини бекор қилиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақли.

Жиноят процессал қонунда белгиланган тартибга кўра бир суддан бошқа судга ўтказилган жиноят иши, қайси судга юборилган бўлса, ўша суд томонидан қабул қилиниши шарт.

Юқори суднинг суд мажлисида кўрила бошланган жиноят ишини қуйи судга ўтказишга йўл қўйилмайди, яъни юқори суд мазкур жиноят ишини давом эттириб, қонуний ҳал қилиши зарур.

Жиноят иши бир вилоят судидан бошқа вилоят судига ўтказиш ҳақидаги судьянинг ажрими ёки прокурорнинг тақдимномаси мавжуд бўлган жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилади.

Жиноят ишининг судловга тегишлилигига кўра бошқа вилоятдаги жиноят ишлари бўйича судга ёки Қорақалпоғистон Республикасидаги жиноят ишлари бўйича судга ўтказиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси томонидан ҳал қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар судининг судьялари томонидан жиноят ишини бошқа судга ўтказиш ҳақидаги ажримини асосли деб топганда, жиноят ишини тегишли судга юборади. Жиноят ишини судловга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисидаги судьянинг ажрими ёки прокурорнинг тақдимномаси асосли эмас деб топилганда, уни жиноят-процессуал қонуни бўйича судловга тегишлилика асосан ўз жойида кўрилиши маъқул деб топилади ва қарор билан процессуал расмийлаштирилади.

Судловга тегишлилик ҳақида баҳслашувга йўл қўйилмайди. Сабаби, биринчидан, сансалорлик суд муҳокамасининг муддатига салбий таъсир қилади, иккинчидан, юқори суд масалани қандай ҳал қилган бўлса, қуйи судлар унинг талабларига сўзсиз амал қилишлари, қарорларини бажаришлари шарт⁶.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. - 614 б.

2. Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш

Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш биринчи инстанция судларида ишени ташкил этишининг муҳим босқичи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир судья хоҳ у тажрибали, хоҳ тажрибасиз бўлсин ҳар бир ишга хоҳ у ихчам, кам эпизодлик бўлсин, хоҳ кўп жилдли, кўп эпизодли, бир неча кишилик бўлсин, барибир, унга тайёргарликсиз ёндашиш фавқулотда кутилмаган мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳар бир ишга пухталики билан ёндашиш пировардида қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарорини чиқаришининг, ишени қонунда белгиланган вақтда ҳеч бир муаммосиз кўриб ҳал этишга олиб келади⁷.

Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш босқичида айбланувчининг айбдорлик масаласи ҳал этилмай, айблов ҳулосаси билан тамомланган жиноят ишени материали, тиббий йўсиндаги мажбурий чораларини қўллаш масаласи суд мажлисида кўриб чиқиш учун асосларнинг етарли ёки етарли эмаслиги масаласи ҳал қилинади. Судья иш материаллари билан танишиб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- жиноят ишени барча талабларга тўлиқ жавоб беради деб ҳисобласа, уни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида;

- суд муҳокамасида иш кўриш учун тўсқинлик мавжуд деб ҳисобласа, уни тўхтатиш тўғрисида;

- ишени тугатиш учун асослар мавжуд деб ҳисобласа, уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

ЖПКнинг 401-моддаси бўйича жиноят ишени тугатиш фақат суд мажлисида амалга оширилади. ЖПКнинг 421-моддасида жиноят ишени тугатилиб, оқлов ҳукми чиқарилади ёки асослар мавжуд бўлганида айбдорга жазо белгиламайдиган айблов ҳукми чиқарилади.

Ишени судда кўриш учун тайинлаш ёки бошқа мазмундаги қарорлар қабул қилиш, иш судга келиб тушган кундан эътиборан етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши керак, иш ҳажмининг кўплиги муддатни узайтиришга асос бўлади. Суд раиси иш материаллини ҳажмига кўра у билан танишиш муддатини уч суткага узайтириши мумкин.

ЖПК 396-моддасига биноан, судья жиноят ишени билан қонунда белгиланган муддатда танишиб чиқар экан, ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни қандай ҳал қилинганлигига эътиборини қаратиши лозим:

- биринчидан, жиноят ишининг қайси суднинг судловига тегишли эканлигига;

- иккинчидан, ишени тугатиш ёки тўхтатиш асосларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига;

- учинчидан, иш тўла, ҳар томонлама ҳолисона текширилиб, исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг исботланганлигига;

- тўртинчидан, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ЖПКда белгиланган жиноят ишени қўзғатиш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва

⁷ Мухаммадиев А.А. Судлар фаолиятни ташкил этиш. Дарслик. ТДЮИ. 2010. -36 б.

бурчларини амалга оширилганлиги, зарурий процессуал ва тергов ҳаракатларининг тўғри бажарилганлиги, процессуал ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги ва ҳоказо қонун талабларига риоя қилинган ёки қилинмаганлигига;

бешинчидан, айбланувчига унинг қилмиши ва шахсига муносиб эҳтиёт чораси танланган ёки танланмаганлигига;

олтинчидан, жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зарарни қоплаш чоралари кўрилган ёки кўрилмаганлигига;

еттинчидан, айблов ҳулоасининг жиноят ишидаги ҳақиқӣ ҳолатларга мос ҳамда ЖПКда кўйилган талабларга мувофиқ тузилганлигига.

Бу масалаларни тўғри ҳал қилинганлиги суд мажлисининг ўз вақтида, мазмунан ҳал қилинишига имкон яратади.

ЖПК 397-моддаси талабига кўра, судья, аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни узил-кесил ҳал қилиб бўлгандан кейин, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарор процессуал ҳужжат сифатида айбланувчининг ишини мазмунан ҳал қилишнинг асоси ҳисобланади, шунингдек, суд муҳокамасининг доирасини белгилаб беради.

Судья, суднинг ажримидан:

- унинг қачон ва қаерда қабул қилинганлигини;
- судьянинг лавозими ва фамилиясини;
- судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ЖКнинг қайси моддаси билан айбланганлигини;
- жиноят ишини суд муҳокамасида барча асосларнинг мавжудлигини;
- судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қандай тури кўлланганини;
- суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиб, давлат айбловини кўллайдиган ва ҳимояни амалга оширадиган шахслар ҳақидаги маълумотни;
- суд муҳокамаси қаерда, қачон ўтказилиши тўғрисидаги маълумотни кўрсатиши керак.

Маълумки, дастлабки терговда исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири етказилган мулкӣ зарарни қоплаш чораларини кўришдир. Суд муҳокамасига қадар жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарар аниқланиб, уни қоплаш чоралари кўрилган бўлиши шарт. Агар судья жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зарарни қоплаш чоралари етарлича ҳал этилмаган ва суд муҳокамасида буни бартараф этишнинг имкони йўқ деб ҳисобласа, терговчининг зиммасига ушбу масалаларни зудлик билан ҳал қилишни вазифа қилиб юклайди. Бу камчилик терговчи томонидан йўл кўйилганлиги учун ҳам, терговчи томонидан бартараф қилиниши шарт⁸.

ЖПК 399-моддаси талабига кўра, агар айбланувчи жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар яширинган бўлса, суд жиноят ишини прокурорга қайтаради ва айбланувчини қидириб топиш ҳақида қарор чиқаради. Агар бундай ҳол жиноят ишини судда кўриш

⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. - б. 398 м.

учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин содир бўлган бўлса, суд жиноят ишини юритишдан тўхтатиш ва судланувчига нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. ЖПК 410 ва 418-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Жиноят ишини судга тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар судланувчи оғир ва давомли оғир касалликка чилинса, суд-тиббий экспертизасининг хулосаси билан жиноят иши юритишдан ажрим билан тўхтатади.

ЖПК 401-моддасида белгиланганига кўра, реабилитация қилиш асослари ҳамда айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асосларининг биринчи қисмида белгиланган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини тугатади.

Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримда қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинганлиги, фуқаровий даъво бекор қилинганлиги ҳамда ашёвий далиллар тақдири узил-кесил ҳал қилинганлиги баён қилиниши керак. Агар шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми бўлса ҳам жиноят иши тугатилади.

Суд томонидан жиноят ишини тугатилганлиги манфаатдор шахслардан айбланувчи ва жабрланувчига хабар қилинади. Улар қарор устидан норози бўлсалар шикоят қилишга ҳақлидирлар.

ЖПК 402-моддасида биноан, агар дастлабки тергов тамомланганда гумон қилинувчи, айбланувчи, уларнинг ҳимоячиси, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиш ҳуқуқидан фойдаланмаган ёки танишишни рад этган бўлсалар, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлангандан сўнг суд мажлиси бошлангунга қадар улар ишдаги барча материаллар билан танишишлари мумкин. Давлат айбловчиси сифатида иштирок этадиган прокурор ҳам дастлабки тергов материаллари билан танишмаган бўлса, унга ҳам худда шундай имконият берилади.

Жиноят ишларини юритишда жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этадиган шахслар айнан жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда биринчи маротаба кўрсатилади ва улар процесснинг кейинги босқичида самарали фаолият юритишлари учун шу пайтдан бошлаб иш материаллари билан танишишлари мумкин бўлади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан сўнг судьяда мазкур моддадаги шахсларни белгиланган шартлар асосида ва тартибда иш материаллари билан таништириш мажбурияти вужудга келади.

Мазкур моддада кўрсатилган шахсларнинг дастлабки тергов давомида иш материаллари билан таништирилганлиги жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда улар билан танишиш имкониятидан маҳрум қилмаслиги керак. Гарчанд дастлабки терговда иш материаллари билан танишиб чиқилган бўлсада, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлангандан кейин иш материаллари билан танишиш тўғрисидаги илтимоснинг қондирилиши фойдадан холи эмас.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан сўнг иш материаллари билан танишиб чиқишнинг процессуал тартиби дастлабки иш материаллари билан танишиш тартибига ўхшаш бўлиб, суд иш материаллари билан танишиш учун ҳозир бўлган шахсга у билан танишиш, чекловларсиз ундан кўчирмалар олиш учун реал шароит яратиб бериш, агар бундай шахслар кўп бўлса, уларнинг танишиш навбати белгиланиши шарт. Жиноят иши материаллари билан суд биносида танишилади. Агарда, айбланувчи қамокда сақланаётган бўлса, у суднинг биносида ёки судланувчи сақланаётган жойда жиноят иши материаллари билан таништирилади.

Иш материаллари билан танишиб чиқилганидан сўнг илтимосномалар жиноят иши бўйича суд муҳокамаси бошлангунга қадар берилиши мумкин. Судья илтимоснома мазмунидан келиб чиқиб, уни суд мажлисида ёки суд мажлисига тайёргарлик кўриш жараёнида ҳал қилиши мумкин.

Агар дастлабки тергов тамомлангандан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган бўлса ва қоидабузарлик суд томонидан бартараф этилмаган бўлса, жиноят процессуал нормаларнинг жиддий бузилиши деб баҳоланади⁹.

ЖПК 403-моддаси талабига кўра, судья ўз қарорида кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида фармойиш беради. Фармойиш оғзаки ёки ёзма шаклда бўлади ва у суд девони томонидан ижро этилади. Чақирув хати эса котиб томонидан ёзилади ва юборилади.

Судья чақирув хатининг ўз вақтида юборилиши ва чақирилган шахсларнинг ҳозир бўлишини таъминловчи кўшимча чораларни кўриш учун чақирув хати уларга етиб борганлигини назорат қилади.

Амалиётда кўп сонли гувоҳлар иштирок этган ҳолларда судья уларнинг барчасини жиноят ишини судда кўришнинг бошланиш вақтида чақирмайди, балки, улар айнан суроқ қилинадиган кунда чақирилади. Чунки, гувоҳларни келиб-кетиш билан боғлиқ харажатларни, узоқ ҳудуддан келадиган гувоҳларни жой билан таъминлаш харажатларини тежаш судьянинг маънавий бурчи ҳисобланади.

Мазкур моддадаги суд мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ бошқа чоралар кўриш деганда, халқ маслаҳатчилари, давлат айбловчиси, ҳимоячи, таржимоннинг иштирокини таъминлаш чораларини амалга ошириш тушунилади.

ЖПК 405-моддасида кўрсатилганидек, жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичида бир қанча муддатлар белгиланган: биринчиси - жиноят иши судга келиб тушгандан кейин судьянинг ЖПКнинг 395-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган қарорлардан бирини қабул қилишгача бўлган етти суткалик муддат; иккинчиси - ишни судга тайинлаш тўғрисидаги қарор

⁹Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги №17 сонли “Тумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори .

қабул қилингандан кейин суд муҳокамаси бошлангунга қадар бўлган ўн суткалик муддат.

Суд мажлисининг икки ойлик муддатини узайтириш мумкин. Бунинг учун иш кўраётган суд юқори судга муддатни узайтириб бериш тўғрисида асослантилган ажрим билан мурожаат қилади. Суд ўз ажримида бажарилган ишлар ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни кўрсатиши шарт.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди ва Ўзбекистон Республикаси харбий судининг раиси суд мажлисининг муддатини тўрт ойгача узайтириб беришга ҳақли.

Бу муддатни янада узайтиришга алоҳида ҳолларда унинг мураккаблиги, кўп воқелиги сабабли йўл қўйилади. Суд мажлисини беш ойлик муддатга узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раис ўринбосари ваколатига тегишли. Бу муддатни олти ойгача узайтириш фақат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси томонидан амалга оширилади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичининг аҳамиятини эътироф этган ҳолда, фикримизча, агарда жиноят ишида ишни прокурорга қайтариш учун асослар бўлса, яъни суд томонидан ҳукм ёки бошқа қарор чиқаришга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлса, масалан жиноят иш бўйича айблов хулосаси ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чарасини қўллаш тўғрисидаги қарор ЖПКнинг талабларини бузган ҳолда тузилган бўлса, ва бошқа шу каби ҳоллада ишни сансалоликка солмасдан камчиликларни тезда бартараф этиш, ноқонуний қарорлар қабул қилишнинг олдини олиш мақсадида ишни прокурорга қайтаришга имкон берадиган, илгари амалиётда мавжуд бўлган, бошқарув мажлисининг амалиётга қайта тикланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Суд мажлисининг тайёрлов қисми ва суд тергови

Жиноят-процессуал кодекснинг 51-боби суд мажлисининг тайёрлов қисмига бағишланган бўлиб, у одил судловни муваффақиятли амалга оширишга мустаҳкам замин ҳозирлайди. Суд мажлисининг тайёрлов қисми қонунга қатъий амал қилган ҳолда жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишни таъминлаш учун шарт-шароитларни яратиш ва уларни текширишга йўналтирилган. ЖПКда ташкилий-бошқарув ваколатлари фақат раислик қилувчининг зиммасига юклатилган.

Раислик қилувчи томонидан суд мажлисининг очилиши ва қандай жиноят иши кўрилиши эълон қилиниши жиноят процессида суд муҳокамаси босқичининг бошланганлигини билдиради. Бунинг учун судья ҳеч кимдан руҳсат ёки розилик сўрамайди

Суд мажлисининг белгиланган вақтда очилиши нафақат суд таркибининг, балки суд муҳокамаси бошқа иштирокчиларининг ҳам интизомига боғлиқ.

Шу ўринда, суд мажлисида қандай жиноят иши кўрилиши эълон қилинганда, фақат ЖКнинг моддаларинигина айтиб ўтиш билан кифояланмасдан, балки, уларнинг мазмуни билан суд мажлисида ҳозир бўлганларни таништириш кераклиги диққатга сазавор ҳолат ҳисобланади¹⁰.

Маълумки, процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлигини текшириш суд мажлиси котибининг зиммасига юклатилади. Судда ҳозир бўлмаганларнинг нима сабабдан келмаганлигини суд мажлиси котиби маълум қилади ва бу натижалар баённомада қайд этилади. Суд муҳокамасини давом эттириш ёки уни бошқа кунга қолдириш масаласи суд мажлисида ҳозир бўлган тарафларнинг фикрларини ҳисобга олиб ҳал қилинади.

Ишда иштирок этаётганларнинг шахси паспорт ёки уларнинг шахсини гувоҳлантирувчи бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланади ва бу билан турли тушунмовчиликларнинг олди олинади.

Судга келишни истисно қилувчи ҳолатларга қуйидагиларни, яъни, шахснинг вафоти, оғир хасталик, йироқда ва узоқ муддатли хизмат сафарида бўлиш, яшаш жойидан рўйхатдан чиқиб кетган ва янги турар жойини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолатлар киритилиши мумкин. Ҳар доим шахснинг судга келишини истисно қилувчи ҳолатни узрли деб топиш тўғрисида суд қарор қабул қилиши керак¹¹.

ЖПК 430-моддаси талабига биноан, суд мажлисининг тайёрлов қисмида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини раислик этувчи тушунтириши лозим. Таржимонга унинг ҳуқуқларини тушунтириш ушбу ҳаракатларнинг биринчиси бўлиб ҳисобланади, чунки суд процессининг бу

¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. - б.

¹¹ Қаранг: ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 22-августдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида»ги қарорининг 4-банди.

иштирокчиси суд мажлисини очган раислик қилувчининг биринчи сўзиданок ўз фаолиятини бошлайди. Шундан сўнг, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда масъулиятлари тушунтирилади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасига ёзув киритилади.

ЖПК 431-моддаси талабига кўра, суд таркиби қонунда кўрсатилган шартларга жавоб берадиган тарзда тузилган бўлиши лозим. Бунинг учун иш кўрувчи суд таркибида фақат қонуний тартибда тайинланган (сайланган) судьялар бўлиши ва бу судьяларнинг ишни беғараз ва холисона кўришлари учун тўсқинлик қиладиган бошқа ҳолатлар бўлмаслиги лозим. Суд мажлисини ўтказишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлардан биронтаси мавжуд бўлганда суд таркиби қонунга хилоф тузилган деб ҳисобланади ва у томонидан чиқарилган суд қарори (ҳукми, ажрими) бекор қилинади.

Суд таркиби ва шунингдек қонун бўйича тарафлар томонидан рад қилиниши мумкин бўлган процесснинг бошқа иштирокчилари раислик қилувчи томонидан эълон қилинади. Шундан кейин раислик қилувчи процесс иштирокчиларидан рад қилиш истаклари бор-йўқлиги, агар рад қилмоқчи бўлса, унинг сабабларини сўрайди.

ЖПК 432-моддасида белгиланганидек, судда раислик қилувчи гувоҳларни судга келганликларини аниқлаганидан сўнг, улар сўроқ қилишга чақирилгунларига қадар суд мажлиси залидан алоҳида ажратилган хонага чиқиб туришлари тўғрисида фармойиш беради. Бундан кўзланган мақсад уларнинг кўрсатувлари мазмунига судланувчи-нинг, бошқа гувоҳларнинг кўрсатувлари, тарафларнинг муҳокама жараёнида ифодаланган нуқтаи назарлари таъсири бўлишига йўл қўймаслик ҳисобланади. Шунингдек раислик қилувчи сўроқ қилинмаган гувоҳларнинг сўроқ қилинган гувоҳлар ва суд мажлиси залидаги бошқа шахслар билан мулоқотда бўлмаслиги юзасидан чоралар кўради.

Ишнинг ҳолатига қараб, гувоҳларнинг бир қисмини чақирув хати билан бошқа кун ёки соатга келиши белгиланиб, уларни суд залидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳам мумкин¹².

ЖПК 433-моддасига биноан, судга чақирилган, лекин суд мажлисига келмаган шахсларнинг иштирокисиз муҳокамани давом эттириш ёки кейинга қолдириш ҳақида бир фикрга келишдан аввал суд тарафларнинг фикрини эшитиши, шундан кейин бу тўғрида бир қарорга келиши лозим.

Судланувчи келмаган (ЖПК 410-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно), шунингдек, қонун бўйича адвокатнинг иштироки шарт бўлган ёки судланувчи адвокатнинг иштироки ҳақида илтимос қилган ҳолларда суд муҳокамаси сўзсиз кейинга қолдирилади.

Қолган барча ҳолатларда суд муҳокамасини давом эттириш масаласи суд таркиби томонидан судга келмаганнинг ушбу процессдаги роли, унинг иштироки қанчалик аҳамияти экани ҳақида тарафларнинг фикрлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал қилинади.

¹² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. - б.

Суд мажлисининг тайёрлов қисмида судга чақирилган процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаган тақдирда жиноят ишини муҳокама қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, агарда муҳокама жараёни давомида маълум процесс иштирокчисининг иштирокига зарурат туғилса суд муҳокамасининг кейинги босқичларида бу масала муҳокамасига такрор қайтишни ёхуд суд муҳокамасини кейинга қолдиришни инкор этмайди. Суд томонидан кўрилаётган масала юзасидан қабул қилинган қарор гарчанд тарафларнинг фикри билан тўғри келмаган тақдирда ҳам суд бу масала бўйича асослантирилган ажрим ёки қарор чиқариши шарт.

ЖПК 434-моддаси мазмунига кўра, суд мажлисига судланувчининг шахсан ўзи келган-келмаганлигини аниқлаш назарда тутилади. Судланувчининг шахсини аниқлашда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатларни аниқлашлик кифоя қилади.

Судланувчининг шахсини аниқлаш раислик қилувчи томонидан берилган саволлар бўйича олиб борилади. Лекин бунда халқ маслаҳатчилари ва суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари судланувчининг шахсини аниқлаш вақтида савол беришга ҳақли эмас деган маъно келиб чиқмайди. Бироқ улар савол беришдан аввал раислик қилувчининг рухсатини олишлари лозим.

Судланувчининг шахси, шунингдек унинг анкета маълумотлари дастлабки тергов босқичидаёқ тўла ўрганилади. Суд бу маълумотларни текширади, судланувчининг жавобларини дастлабки тергов материалларидаги ҳужжатларда қайд этилган маълумот билан солиштиради. Судланувчининг шахси текширилгандан сўнг раислик этувчи судланувчини сўроқ қилиш йўли билан айблов ҳулосаси, шунингдек, ушбу Кодекс 388-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган процессуал ҳужжатларнинг нусхалари унга топширилган-топширмаганлигини, топширилган бўлса, муддатини аниқлайди. Биринчи босқич судида ишни кўриш қайд этилган ҳужжатларнинг судланувчига топширилганидан сўнг камида уч сутка ўтган бўлсагина бошланиши мумкин. Бу муддатнинг бошланиши ҳужжатлар топширилган суткадан кейинги сутканинг бошланишидан ҳисобланади.

Агар айблов ҳулосасининг нусхаси ва ушбу Кодекс 388-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган бошқа процессуал ҳужжатлар топширилмаган бўлса ёки суд мажлиси бошланишига уч суткадан кам муддат қолганда топширилган бўлса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиши лозим.

ЖПК 435-моддаси талабига кўра, судланувчи суд муҳокамасида асосий иштирокчилардан бири бўлганлиги учун, унга тегишли ҳуқуқлари у биладиган тилда батафсил тушунтириб берилиши керак. Агар ишда бир неча судланувчи бўлса, уларнинг ҳаммасига умумий ҳуқуқларини тушунтириб бериш билан бирга, ишнинг хусусиятига қараб, ҳар бир судланувчининг ўзига хос бўлган ҳуқуқи алоҳида тушунтириб берилиши лозим.

Судланувчининг ҳуқуқлари суд мажлисининг тайёрлов қисмида тўлиқ тушунтирилганлиги тўғрисида жиноят иши материалларида маълумот-ларнинг мавжудлиги, раислик этувчи томонидан ушбу модда талабларини бажариш зарурлигини инкор этмайди. Ушбу талабларнинг бажарилиши судланувчига суд

муҳокамаси жараёнида ҳам унинг ҳуқуқлари тушунтирилиши шарт, чунки, ЖПК 46-моддасидаги қайдлар асосан дастлабки терговга тааллуқлидир.

ЖПК 436-моддасида санаб ўтилган суд муҳокамаси қатнашчиларига дастлабки тергов босқичида ҳуқуқлари тушунтирилганидан, жамоат айбловчисининг, жамоат ҳимоячисининг, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқий билимдонлигидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқларини тушунтириш ҳақида раислик қилувчининг мажбурияти, шунингдек, ушбу процессуал ҳаракатларнинг кетма-кетлиги белгилаб қўйилган.

Жабрланувчига ҳуқуқлари тушунтирилганда у суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуққа эгаллиги ва тўла ҳуқуқли иштирокчи эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Агар суд муҳокамасида кўрилатган иш бўйича жабрланувчининг ўлими сабабли унинг яқин қариндоши жабрланувчи тариқасида иштирок этаётган бўлса, суд унга муҳокама давомида тўла ҳуқуқли жабрланувчи тариқасида ҳаракат қилишга ҳақли эканлигини тушунтириши лозим.

Жабрланувчининг судланувчи билан ярашув ҳуқуқидан улар томонидан суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киришигача фойдаланиши мумкинлиги тушунтирилиши керак¹³

Раислик қилувчи жамоат айбловчисига, жамоат ҳимоячисига, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига айрим-айрим равишда ўз ҳуқуқларини тушунтириб бериши керак ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд қилинган бўлиши лозим.

ЖПК 437-моддасига биноан, экспертга уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, экспертнинг хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жазо кўзда тутилган ЖК 240-моддасининг мазмунини тушунтирилади.

Суриштирувда, дастлабки терговда кўрилатган иш бўйича эксперт хулоса берган, мутахассис дастлабки тергов ўтказилаётганда иштирок этган ҳолларда, раислик этувчи ушбу тергов маълумотларини ошкор қилиш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган ЖКнинг 239-моддаси уларнинг суд мажлисида берган кўрсатувларига татбиқ этилмаслигини тушунтириши лозим.

Эксперт ва мутахассис суднинг кўрилатган иш юзасидан барча саволларига, шу жумладан суриштирув, дастлабки тергов ўтказишда уларга маълум бўлган ҳолатлар ҳақидаги саволларга ҳам жавоб беришга мажбурдир.

Суд мажлисининг тайёрлов қисмида раислик этувчи тарафлардан ишда аҳамиятли маълумотга эга бўлган янги шахсларни чақириш тўғрисида илтимослари бор-йўқлигини сўрашга ва гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ёрдамида янги далилларни тўплаш мақсадида тегишли суд ҳаракатларини олиб боришга, шунингдек ашёвий ва ёзма далилларни шу жумладан техник

¹³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. – 921-922 б.

воситаларни (фотосуратлар, аудио ва видеоёзувлар) қўллаб олинган далилларни олишга мажбур.

Жиноят процессида тарафларга далиллар тақдим этиш ҳуқуқи берилган¹⁴. Бундай далилларни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида илтимос суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида билдирилиши мумкин. Илтимос қилган шахс уни асослаб бериши шарт.

Аниқланиши керак бўлган ҳолатлар иш учун аҳамиятга эга бўлса, суд илтимосни рад этишга ҳақли эмас. Шунингдек суд тарафларнинг ташаббусига кўра суд мажлисига келган шахсларни гувоҳ ёки мутахассис сифатида сўроқ қилиш ҳақидаги уларнинг илтимосини қаноатлантириши лозим.

Суд тарафнинг илтимосларини тинглаб, улар бўйича иккинчи тарафнинг фикрини аниқлаши лозим. Фақат шундан кейин илтимосни қондириш ёки рад этиш ҳақида тегишли қарор қабул қилиши керак. Илтимосни рад қилиш тўғрисидаги хулоса асослантирилган бўлиши лозим. Тарафларнинг янги шахсларни чақириш, ашёвий ва ёзма далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосларини қаноатлантириш суд муҳокамасини кейинга қолдиришга олиб келиши мумкин.

Суд мажлисининг тайёрлов қисмида илтимос рад этилса, тараф уни суд мажлисининг кейинги босқичларида қайтариши мумкин. Суд такрор марта қилинган илтимосни ҳам тинглашга ва бу ҳақда ажрим чиқаришга мажбурдир.

Эксперт ва таржимонлар ҳам судга илтимос билан мурожаат қилишлари мумкин. Жумладан, эксперт ўз фикрини бериш учун лозим бўлган қўшимча ҳужжатларни сўратиб олдириш ҳақида, таржимон эса таржиманинг муваффақиятли чиқиши учун айрим ҳужжатлар билан таъминлашни илтимос қилиши мумкин. Ҳар бир илтимос тезда ҳал қилиниши лозим.

Суд на айбловчи, на оқловчи далилларни тўплашга ташаббускор бўлмаслиги ва ҳар икки тарафга далиллар тақдим қилиш ва уларни текшириш чоғида ёрдам қилиб, тарафларнинг баҳсларини ҳал қилиши керак¹⁵.

Суд мажлисида раислик этувчи судланувчига суд мажлисидаги унинг ҳуқуқларини, тарафларга, экспертлар ва мутахассисларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўлиғича тушунтириши шарт ва бу суд мажлиси баённомасида ўз аксини топиши лозим.

Судлар, ҳар бир ишни кўришда далилларни бевосита суд мажлисида текширишга, яъни судланувчиларни, жабрланувчиларни, гувоҳларни сўроқ қилиш, эксперт хулосасини тинглаш, далилий ашёларни кўздан кечириш, баённомаларни ва бошқа ҳужжатларни эълон қилади.

Суд муҳокамаси қатнашчилари доирасини аниқлаш ва ишнинг ҳаракати (жамоат айбловчисини, фуқаровий даъвогар деб тан олиш, ишни тўхтатиб қўйиш ёки уни кейинга қолдириш, ишни қўшимча терговга юбориш, ишни

¹⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. - 167-168 б.

¹⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. - б. м.

тугатиш ва бошқалар) билан хоҳ суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида ва хоҳ суд муҳокамаси жараёнида арз қилинган барча бошқа тараф муҳокама қилиниб ҳал этилган илтимос юзасидан яна шу асослар бўйича арз қилган тақдирда раислик этувчи бу илтимосни муҳокамага киритмайди.

Суд мажлисига келган гувоҳлар, эксперт ёки мутахассис, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари сўроқ қилингандан сўнг ишнинг муҳокамаси кейинга қолдирилиб сўнгра иш ўша таркибда кўрилаётган бўлса ва уларни чақиришнинг ҳожати бўлмаса, ушбу шахслар иккинчи маротаба суд мажлисига чақирилмаслиги мумкин.

Шу сабабли бу шахсларнинг иш муҳокамасини кейинга қолдиргандан кейин суд мажлисларида қатнашмаслиги ихтиёрий равишда бўлиб, уларнинг хоҳиш-истакларига боғлиқ бўлади. Ушбу шароитларни таъминлаш мақсадида раислик этувчи иш муҳокамаси кейинга қолдирган тақдирда қайд этилган шахсларга уларнинг келгуси суд мажлисларида қатнашиш ҳуқуқларини тушунтириши шарт вабу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилган бўлиши лозим ва кейинчалик уларни келгуси суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиши керак.

Судлар, суд муҳокамаси қатнашчилари томонидан билдирилган илтимосларни баённомада тўғри баён қилишга ва буларни муҳокама қилиш тартибига; маслаҳат уйига кирмасдан суд мажлисида қабул қилинадиган суд ажримларига; судланувчининг унга эълон қилинган айблов бўйича, гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг иш ҳолатлари бўйича кўрсатувларига; далилларни текшириш жараёнига алоҳида эътиборларини қаратишлари керак;

Жиноят-процессуал кодекси 423-моддасининг 2-қисмида қайд этилган масалалар бўйича ажримлар суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада), алоҳида ҳужжатлар тарзида расмийлаштирилган ва суд томонидан имзоланган ҳолатда чиқарилишини судлар эътиборга олишлари лозим.

Суд томонидан алоҳида хонага кирмасдан ўз жойида чиқарилган ажримлар Жиноят-процессуал кодекси 423-моддасининг 3-бандига асосан суд мажлиси баённомасига киритилади ва келтирилган илтимосномани қаноатлантириш рад этилганда қабул қилинган қарорининг сабаблари кўрсатилиши зарур.

4. Ҳукм чиқариш ва эълон қилиш тартиби

Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судларида ишни ташкил этишнинг муҳим якунловчи босқичи бу ҳукм чиқариш ҳисобланади. ЖПК 454-моддасида ҳукмни чиқариш тартиби батафсил ёритилган.

Ҳукм одил судловнинг энг муҳим ҳужжати ҳисобланади ва унда давлат томонидан жиноятни содир қилганликда айбдор шахсга танбеҳ бериш ва уни адолатли жазога тортиш, маҳкумнинг қонунга бўйсунishi ва жиноятига яраша жазони олиши ифодаланади. Агарда, судланувчи оқланса, ҳукмнинг моҳияти давлат фуқародан барча айбловларни соқит қилиши ва шунинг билан тергов ва суд жараёнида йўл қўйилган камчилик ва хатолар учун ўзини масъул ҳисоблаши ҳамда реабилитация қилинган фуқаро олдида давлат узр сўрайди, деб эълон қилади. Бу ҳолда, судлаш, жазо қўллаш, шунингдек оқлашга давлатнинг ўзи масъул субъект ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳукм давлат - Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади.

Судланган шахс учун, шунингдек, суд залида ҳукм ўқиладиганда қатнашаётган ёки уни бошқа йўллар билан эшитаётган шахслар учун ҳукм тарбияловчи ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун катта таъсир кўрсатувчи аҳамиятга эга. Ҳукм орқали давлат фуқароларни жиноят содир этишдан сақлайди. Аҳолининг кўз олдида ҳукмнинг давлат номидан чиқарилиши ҳукмнинг ва уни чиқарган суднинг обрўйини мустаҳкамлайди.

ЖПК 455-моддасида белгилаб қўйилганидек, судлар томонидан одил судловни амалга ошириш ҳар бир чиқариладиган ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлишини талаб қилади.

Ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асослантирилган бўлиши керак¹⁶. Ҳукмнинг қонунийлиги деганда, фақат ҳукм чиқариш вақтида эмас, балки жиноят иши бўйича ҳукм чиқаришгача бўлган жараёнда ҳам жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларига риоя қилинганлиги тушунилади.

Ҳукмнинг асослилиги деб, ҳукмда баён қилинган суд хулосалари иш ҳолатларига мослиги, суд муҳокамасида тадқиқ этилган ва суд томонидан ишончли ҳамда етарли деб тан олинган далиллар мажмуи билан тасдиқланганлигига айтилади. Номатбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПКнинг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас¹⁷. Ҳукмда баён этилган ҳолатлар ва улардан келиб чиқадиган хулосалар ишнинг ҳақиқий ҳолатига мос келиши, яъни ҳақиқий бўлиши лозим. Асослантирилмаган ҳукм айни вақтда ноқонуний ҳисобланади.

Ҳукм адолатли бўлиши керак, шахс фақат айбилик даражаси меъёрида жазога тортилиши лозим. Адолатлилик талаби ҳукмнинг қонунийлиги ва асослантирилганлиги талаблари билан узвий боғланиб кетади, чунки адолатли

¹⁶Қаранг: ЎЗР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида” ги 2-сон қарори 3-банди.

¹⁷ Қаранг: ЎЗР Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори, 1-банди.

бўлмаган ҳукм қонуний ҳам бўлаолмайди. Бундай ҳукм одатда ишонарли тарзда асослантирилмаган бўлиб қонуний деб ҳисобланмайди.

ЖПК 456-моддасида қатъий белгилаб қўйилгандек, судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилинишининг тақиқланиши судьялар мустақиллиги, уларнинг беғаразлиги ва холислигининг кафолатидир.

Судьянинг тарафлар вакиллари, шунингдек бошқа шахслар билан ишларни муҳокама қилиши унинг беғаразлигини шубҳа остига қўяди ва шунинг учун бунга йўл қўйилмайди. Судья фақат маслаҳатхонада ишнинг муҳокамаси чоғида уни мазмунан ҳал қилишга доир фикрини билдиради. Судья, шунингдек муайян ишни ҳал қилиш бўйича бирон бир кишидан маслаҳат олишга ва унга ўз фикрини билдиришга ҳақли эмас.

Ҳукм алоҳида хонада (маслаҳатхонада) уни чиқариш билан боғлиқ масалаларни тинч, осойишта, беғараз, холис ва одилона ҳал қилиш учун яратилган шароитда чиқарилади. Бу ҳукм чиқаришдек муҳим масалани ҳал этишда судьяларга қандай бўлмасин бирон бир таъсир ўтказилишидан, уларнинг ишига аралашидан сақлайди.

Судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши деганда, у ерда фақат суд таркибига кирган судьяларгина бўлиши лозимлиги, судьялар маслаҳатлашаётган вақтда ҳар қандай телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали ким билан бўлмасин, сўзлашуви ман этилади. Эҳтиёт чораси ўзгартирилган судланувчини олиб кетиш учун соқчилар чақириш бундан мустаснодир. Маслаҳатхона эшигига “Суд маслаҳатда” деб ёзиб қўйилиши даркор. Шу сабабли маслаҳатлашув хонаси бошқа хоналардан ажратилган ҳолда бўлиши лозим, алоҳида маслаҳатхона бўлмаган жойда, судьянинг хонасида маслаҳатлашиш мумкин.

Судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши масаласи судьяларнинг ўзларига ҳам тегишлидир. Ҳукм ёзилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдаги музокаралар, ҳар бир судьянинг тутган нуқтаи назари ҳеч қачон ва ҳеч кимга ошкор қилинмаслиги лозим. Судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши тамойилининг бузилиши жиноят-процессуал қонунининг қўпол бузилишларидан ҳисобланиб, чиқарилган ҳукмни бекор қилишга олиб келади.

Судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилишини таъминлаш мақсадида уларнинг маслаҳатлашуви бўйича баённома тузилмайди ва овоз бериш натижалари ҳам эълон қилинмайди.

Агарда суд ҳукм чиқариш учун маслаҳатга кириб, иш кuni мобайнида ҳукмни ёзиб тугатаолмаса, шунингдек зарур бўлган тақдирда кун давомида ҳам танаффус қилишлари мумкин. Маслаҳатлашув дам олиш кунлари ва байрам кунлари ҳам тўхтатилади. Танаффус қилиш вақтини судьяларнинг ўзи белгилайди. Судья маслаҳатхонани ЖПКнинг 456-моддасида кўрсатилгандан бошқа ҳолларда ташлаб чиқиб кетиши мумкин эмас.

Судьяларнинг маслаҳатлашиш ҳамда танаффус қилиш вақтларида кўрилаётган иш тўғрисида ҳеч ким билан фикр алмашишларига рухсат этилмайди.

Раислик қилувчи ҳукм чиқариш учун маслаҳатга кирилганида, суд ҳал қиладиган масалаларни ЖПК 457 - моддасида кўрсатилган тартибда ва уларнинг кетма-кетлигига қатъий риоя қилиб муҳокамага қўйиши лозим.

Ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган масалаларни изчиллик билан ҳал қилишда қатнашаётган халқ маслаҳатчилари ва судьялар тенг ҳуқуққа эга. Барча масалалар овозларнинг оддий кўпчилиги билан ҳал қилинади, яъни судья ва бир халқ маслаҳатчиси муайян фикрда бўлса иш ҳал этилган деб ҳисобланади. Раислик этувчининг ҳаммадан кейин овоз бериши бу тенгликни сақлашнинг муҳим кафолатидир.

ЖПК 461-моддаси мазмунига кўра, суд ушбу Кодекснинг 457-459-моддаларида кўрсатилган масалаларни маслаҳатда ҳал этиш пайтида иш учун аҳамиятли бўлган бирор ҳолатни қўшимча равишда аниқлаш керак деб топса, суд терговини яна давом эттириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд тергови яна давом эттирилганда суд қайси ҳолатларни аниқлаш лозим деб топса ўша ҳолатларни муҳокама қилади. Давом эттирилган суд тергови тамом бўлганидан кейин суд тарафларнинг музокарасини янгитдан эшитати, судланувчига охирги сўз беради ва ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

ЖПК 462-моддаси мазмунига кўра, ҳукм айблов ёки оқлов турида бўлиши мумкин, холос. Айблов ҳукми айбсизлик презумпцияси тамойили талабларига қатъий амал қилган ҳолда, суд муҳокамасида судланувчининг айби исботланганда чиқарилади. Ҳеч қандай тахмин айблов ҳукмига асос қилиб олиниши мумкин эмас. Ҳар қандай шубҳали ва тахминий мулоҳазаларга олиб келувчи далиллар дастлабки ва суд терговида, ҳукмни чиқаришгача бўлган даврда бартараф қилиниши керак. Барча гумонлар судланувчининг фойдасига ҳал қилинади.

ЖПК 463-моддаси мазмунига кўра, айблов ҳукми ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотларга, шунингдек ушбу Кодекснинг 26 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши керак¹⁸.

ЖПК 464-моддасида оқлов ҳукми чиқариш учун асослар тўлиқ кўрсатилган. Суд айбсизлик презумпциясига мувофиқ, “тасдиғини топмаган айблилик, ҳуқуқий маънода тасдиғини топган айбсизликдир”, дейилган қоидага риоя қилиши керак¹⁹.

Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги ёки судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган ҳулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади²⁰. ЖПК 465-моддаси мазмунига кўра, ҳукмни тузиш дейилганда унинг қўлда ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда, кўрилган ишнинг якунловчи натижаси, суд

¹⁸Қаранг: ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида» ги 2-сон қарори, 3-банди.

¹⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. - б. 464 м.

²⁰Қаранг:ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида» ги 2-сон қарори, 20 - банди.

муҳокамасининг асосий қисми тариқасида, ишдаги тўлиқ далилларга асосланган, судьяларнинг ички ишончлари билан қонунларга риоя қилиб чиқарилган бўлишлиги тушунилади. Ҳукмнинг кириш, тавсиф ва қарор қисмлари мазмуни Жиноят-процессуал кодекснинг 446, 447 ва 468-моддаларида батафсил берилган.

Ҳукмнинг мазмуни ва шакли ўзаро мос бўлиши керак. Ҳукмнинг барча қисмлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, кириш қисми тавсиф қисмига, тавсиф қисми эса қарор қисмига асос бўлади.

Ҳукм маслаҳатхонада қоида бўйича раислик этувчи томонидан ёзилади, хоҳишлари бўйича суд таркибига кирган судьяларнинг бири томонидан ёзилиши мумкин. Суд муҳокамаси қайси тилда олиб борилган бўлса, ҳукм шу тилда чиқарилади.

Ҳукм тузаётганда суд, наоник ибораларни ишлатиши, расмий ҳужжатларда қабул қилинмаган қисқартириш ва сўзларни қўллаши, ишга оид бўлмаган ҳолатларни ёритиши, барча ҳолларда ҳукм ошкора эълон қилинишини ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг шахсий маънавий ҳаётига путур етказувчи ибораларни ишлатиши мумкин эмас²¹.

Суд ҳукми жиноят процесси иштирокчиларигагина эмас, балки барча оммага ҳам тушунарли бўлиши зарур. Шу сабабли ҳукмга киритилган барча тузатишлар у эълон қилинишидан олдин изоҳланиши ва суднинг таркиби томонидан имзоланиши керак. Ҳукмни алоҳида фикрда қолган судья ҳам имзолаши шарт.

ЖПК 466-моддасига биноан ҳукм суд таркиби томонидан имзоланган сана (йил, ой, кун) у чиқарилган вақт ҳисобланади. Суднинг маслаҳатда қанча вақт бўлганлиги ҳукмда ёзилмайди, лекин бу муддатни баённомадан билиб олса бўлади.

Суд маслаҳатхонада ҳукм чиқарган шаҳар, қўрғон, сайёр суд мажлислари ўтказилган аҳоли маскани ҳукм чиқарилган жой ҳисобланади.

ЖПК 472-моддасида ҳукмнинг имзоланиш тартиби берилган. Унга кўра ҳукм бевосита маслаҳатхонада ёзилади, ҳатто ундан ташқарида имзоланган ҳукм ноқонуний ҳисобланади.

Суд таркибида чиқарилган ҳукм судьяларнинг ҳаммаси томонидан имзоланиши шарт. Қонун талаби бўйича икки судья бир фикрда бўлса, иш ҳал этилган бўлиб, ҳукм чиқарилади. Лекин, алоҳида фикрда қолган судья ҳам ҳукмни имзолаши ва ўзининг алоҳида фикрини ҳукм чиқариш вақтида бевосита маслаҳатхонада ёзма равишда баён қилиб, конвертга солиб, муҳрлаб қўйиши лозим. Судьялар ёки халқ маслаҳатчиларининг биронтаси томонидан имзоланмаган ҳукм ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди.

Судьянинг алоҳида фикри жиноят ишига илова қилинади. У суд мажлисида ўқиб берилмайди, сир сақланади. Фақат ҳукм қонуний кучга киргандан кейин, агар унга апелляция тартибида шикоят келтирилмаган ва протест

²¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. - 711 б.

билдирилмаган бўлса, жиноят иши алоҳида фикр билан биргаликда протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган юқори суднинг раисига юборилади. Протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган суднинг раиси судьянинг алоҳида фикри билан танишиб чиқиб, ундаги важлар билан келишган тақдирда протест билдириши мумкин. Акс ҳолда тегишли тартибда ишни юборган судга қайтариб юборади.

ЖПК 473-моддасига биноан, ҳукмни эълон қилиш ҳукм чиқариш жараёнининг якунловчи қисми ҳисобланади. Маслаҳатхонада судьялар имзо қилгандан сўнг ҳукм суд залида дарҳол эълон қилинади. Гарчанд суд мажлиси ёпиқ ўтказилган бўлса-да, ҳукм суд залида ҳозир бўлганларнинг иштирокида ўқилади. Ҳукмни эълон қилиш қонун бўйича мажбурий бўлиб, эълон қилингандан кейингина у суднинг қонуний ҳужжатига айланади. Ҳукмни эълон қилишда суд мажлисида иштирок этган судланувчининг қатнашиши шарт, тарафларнинг иштироки мақсадга мувофиқдир.

Ҳукмни эълон қилиш ҳукмнинг мазмунини суд залида иштирок этувчиларнинг диққат марказига етказиш билан суднинг давлат номидан судланувчининг содир этган жиноятига берган баҳоси эълон қилинади. Суднинг ҳукми шу жиноят иши атрофида жамоатчиликнинг фикрини вужудга келтиради, жамоатчиликни жиноят содир этилишига қарши фаол курашга ундайди, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш билан айрим шахсларни жиноят содир этишдан қайтаради.

Ҳукмнинг эълон қилиниши муҳим ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Ҳукм ўқилиши билан унинг устидан апелляция ва кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш муддати ўта бошлай. Оқлов ҳукми чиқарилганда ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаган айблов ҳукми чиқарилганда суд судланувчини суд залидан дарҳол озод қилади. Ҳукм чиқарган суд ҳукмни эълон қилгандан кейингина бошқа ишни кўришга киришиши мумкин.

Одатда ҳукм раислик этувчи томонидан бошдан охиригача ўқиб эшиттирилади. Бу талабнинг бузилиши жиноят-процессуал қонуннинг жиддий бузилишларидан ҳисобланади. Агар ҳукм кўп воқеали жиноят иши бўйича, катта ҳажмда чиқарилган бўлса, суд таркибига кирувчи судьялар томонидан навбатма-навбат ўқиб эшиттирилиши мумкин.

Раислик қилувчи ҳукм ўқиб эшиттирилгандан сўнг маҳкумдан ҳукмни тушинган-тушинмаганлигини сўрайди ва ҳуқуқларини тушинтиради.

Башарти судланувчи фавқулодда жазо чораси – умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган бўлса, унга афв этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади. Яъни, маҳкумга бу илтимосномани тайинланган жазо муддатининг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар у жазони ўташ даврида қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнатга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этиб келаётган бўлса, – тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин бериши мумкинлиги тушунтирилиши керак.

ЖПК 475-моддасида белгилаб қўйилган қоида, ўн кун давомида маҳкумнинг ва оқланган шахснинг апелляция тартибида шикоят бериш ёки

протест билдириш муддати ичида ҳуқуқини кафолатлайди. Судланган ёки оқланган шахсга ҳукм нусхаси берилишининг мажбурийлиги ҳукм юзасидан уларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи дахлсиз эканидан далolat беради.

Ҳукмнинг нусхаси суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига уларнинг илтимосларига биноан берилади. Бундай имконият бўлмаса, раислик қилувчи уларнинг илтимосига кўра ушбу ҳукм билан суд муҳокамасининг бошқа иштирокчиларини суд биносида таништириши мумкин.

Суд муҳокамаси олиб борилган тилни билмайдиган, суд томонидан оқланган шахсга ва озодликдан маҳрум қилинган маҳкумга, уларнинг она тилига ёки улар тушунадиган тилга таржима қилинган ҳукм нусхаси берилиши лозим.

ЖПК 476-моддаси мазмунига кўра, ушбу ҳал қилиниши шарт бўлган масалалар ҳам оқлов ва ҳам айблов ҳукмлари мазмуни билан узвий боғлиқликда бўлади ва умумий қоидаларга кўра ҳукмда ҳал қилинади.

Озодликдан маҳрум этилган шахснинг қарамоғида бўлган вояга етмаган болалари ва кекса ота-оналари, бошқа шахсларнинг ёки муассасаларнинг васийлигига ёки ҳомийлигига топшириш тўғрисидаги суд ажримининг нусхаси манфаатдор шахсларга ёки муассасаларнинг вакилларига, ҳомийлик ёки васийлик қилувчи органларга берилиши лозим.

Озодликдан маҳрум этилган шахснинг қаровсиз қолган уй-жойини кўриқлаб туриш чораларини кўриш тўғрисидаги суд ажримининг нусхаси манфаатдор шахсларга ва шу мулкни кўриқловчи муассасаларнинг вакилларига берилиши керак.

Судланувчига берилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш масаласи бўйича қарор ҳукмда ифода қилинади. Ундириладиган сумма адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмасининг берган маълумотномасига ва қонунга асосан белгиланади²².

Тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш, фуқаронинг ижтимоий бурчини намунали бажаргани тўғрисида ахборот бериш мақсадида суд хусусий ажрим чиқариши мумкин. Чиқарилган хусусий ажрим ҳукм эълон қилингандан кейин суд мажлиси залида ўқиб эшиттирилади.

ЖПК 477-моддасига биноан, маҳкум билан учрашишга ижозат бериш мазкур ишда раислик қилувчи ёки суд раисининг ваколатлари доирасига киради. Бу ҳуқуқдан суд ҳукми эълон қилинганидан кейин фойдаланишга рухсат этилади.

Маҳкумнинг яқин қариндошлари ва унинг ҳимоячиси илтимосига биноан у билан учрашишга раислик қилувчи ёки суд раиси томонидан имконият берилиши шарт. Бунда юқорида кўрсатилганларнинг яқин қариндошлигини гувоҳлантирувчи ҳужжатлари текширилгандан сўнг маҳкум билан кўришишга рухсат этилади.

²² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.-Т.:ТДЮИ.2009. - 99-101 б.

ХУЛОСА

Биринчи инстанция судларида, шу жумладан, жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судларида иш юритиш моҳияти ва тушунчаси ёритилиб берилди, шунингдек, суд инстанцияси ҳамда биринчи инстанция судларига таъриф беришга ҳаракат қилинди.

Бизнингча, суд инстанцияси - суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ у ёки бу суд функциясини бажарувчи суд ёки унинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Биринчи инстанция суди деганда эса, - мазкур иш учун асосий бўлган масалаларни мазмунан кўриб чиқишга ваколатли бўлган судга айтилади. Жиноий ишлар бўйича бундай масалаларга айбланувчи шахснинг у ёки бу жиноятни содир этишда айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги ва унга қандай жазо тайинланиши кераклиги масаласи киради.

Фикримизча, жиноят ишининг қайси судга тегишлилиги масаласи бир неча босқичларни босиб ўтади, биринчи маротаба, дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг, ишни прокурор орқали судга юбориш вақтида жиноят ишининг қайси судга тегишлилиги масаласи келиб чиқади. Сўнгра, бу масала жиноят иши келиб тушган суд томонидан текширилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасидаги “Суд тергови айблов ҳулосасини ўқиб эшиттиришдан бошланади”, деган сўзлар ўрнига “Суд тергови давлат айбловчиси томонидан судланувчига қўйилган айбловни ўқиб эшиттиришдан бошланади”, деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичининг аҳамиятини эътироф этган ҳолда, фикримизча, агарда жиноят ишида ишни прокурорга қайтариш учун асослар бўлса, яъни суд томонидан ҳукм ёки бошқа қарор чиқаришга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлса, масалан жиноят иш бўйича айблов ҳулосаси ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чарасини қўллаш тўғрисидаги қарор ЖПКнинг талабларини бузган ҳолда тузилган бўлса, ва бошқа шу каби ҳоллада ишни сансалоликка солмасдан камчиликларни тезда бартараф этиш, ноқонуний қарорлар қабул қилишнинг олдини олиш мақсадида ишни прокурорга қайтаришга имкон берадиган, илгари амалиётда мавжуд бўлган, бошқарув мажлисининг амалиётга қайта тикланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фикримизча, жиноят ишлари бўйича суд мажлисида раислик этувчи судьяларнинг эътибори касбий маҳоратларини доимий оширишлари зарурлигига қаратилиши лозим, чунки, иш ҳолатларини тўлиқ ва холислик билан текшириш, ҳақиқатни аниқлаш ва суд жараёнининг тарбиявий аҳамияти улар томонидан процессуал қонунчиликнинг барча талабларини оғишмай ва аниқ бажарилиши, моҳирона, чуқур ўйлаб, одоб билан раҳбарлик қилишига асосан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд тизимини такомиллаштириш мақсадида ва процессуал мажбурлов чораларининг судга изчил ўтказилаётганлиги сабабли жиноят ишини судга қадар юритиш босқичларида процессуал чораларни қўллашга рухсат берувчи алоҳида судлар тузилиши таклиф қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
3. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
4. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
5. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
6. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. – Т.13 – Т.:”Ўзбекистон”, 2005. –Б.188-189.
8. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
9. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
10. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
11. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.
- 12.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январ // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 13.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январ // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 14.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2010 йил 7 декабрь. Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

15.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар.-Т.:
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1995. - №1. – 1-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1995. - №3. – 6-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 2001. – 1-2-сон. – 10-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 майдаги “Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака Комиссиясини тузиш тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. – 2000. – 5-6 –сон. – 163-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 1 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд Департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-722 сонли Қарори // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 45-сон, 451-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги ПФ-3725-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 12-13-сон, 101-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида Низом // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 12-13-сон, 101-модда.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаг “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 147-сонли Қарори // "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 2003 й. №3, 26-модда.
- 11.Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомга, Судьяларнинг малака хайъатлари тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни.//

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 29-30-сон, 296-модда.

12.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. – 2001. – 9-сон. – 55-модда.

13.2007 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 3-сон, 30-модда.

14.2007 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 3-сон, 31-модда.

15.Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.- Т.:ТДЮИ.2009. - 950 б.

3. Махсус адабиётлар

1. Абдумажидов Г.А. ва б. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: Ислохотлар даври /. – Тошкент: "Адолат", 2002. – 386 б.

2. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 112 б.

3. Абросимова Е.Б.Судебная власть / Под ред. И.Л.Петрухина. – М.: ООО "ТК Велби", 2003. – С.543.

4. Головистикова А.Н., Грудцына Л.Ю. Толковый словарь юридических терминов. –М.: Эксмо, 2008. 366 с.

5. Даниэл Джон Мидор Американский суды. – Сент-Пол: Миннесота, 1991. 25 26-бетлар

6. Изварина А.Ф. Судебная власть в Российской Федерации: содержание, организация, формы. – Ростов н/ Д: "Феникс", 2005. – С.198.

7. Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. – Ташкент: ТГЮИ, 2003. – С. 244.

8. Качалова В.И., Качалов О.В. Правоохранительные органы Российской Федерации. Учебные пособие. –М.: Омега-Л, 2008. 30 с.

9. Мухаммадиев А.А. Судлар фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. Т.:ТДЮИ.2010.-238 б.

10.Рустамбоев М.Ҳ., Никифорова Й.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Дарслик. – Тошкент: "Зар қалам", 2005. – 496 б.;

11.Тухташева У.А. Ижро иши юритиш. Дарслик. Тўлдирилган ва қайта ишланган нашри. – Т., 2009. – 304 б.;

12.Уильям Бернам. Правовая система США. 3-й выпуск. –М.: Новая юстиция, 2006. – 291-293.